



ХАШР



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 29 ноябрь, пайшанба, 48 (472)-сон



**БОШ ҚОМУСИМИЗ
ИЗЧИЛ
ИСЛОҲОТЛАР
ПОЙДЕВОРИДИР**

2 КОНСТИТУЦИЯ



**БОШЛАНГИЧ
ТАШКИЛОТЛАРГА АСОСАН
ЁШЛАР ЕТАКЧИЛИК
ҚИЛЯПТИЛАР**

5 ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРДА



**ЭЛЛИҚАЛЪДА
ҲАР ТУПДАН
15 КИЛОГРАММГАЧА
БАНАН ОЛИНДИ**

8 СЎНГИ САҲИФА

Парламентда

**ЭНДИ АСОСЛИ
ТАВАККАЛЧИЛИК
ЖИНОЯТ
ҲИСОБЛАНМАЙДИ**

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2012 йилнинг 18 июлида имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни О'zLiDeP электорати вакиллари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган муҳим ҳужжат, дея баҳоланмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун билан жинорий жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ва бошқа бир қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

4 >>>

«Аёллар қаноти»

**ИЗЧИЛЛИК
ВА ФАОЛЛИК
САМАРАСИ**



Жорий йилнинг тўққиз ойида «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган 2250 га яқин тадбирда 120 минг-нафарга яқин тадбиркор хотин-қизлар иштирок этиб, ислохотларнинг янги босқичида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид юзлаб тақлифларни ўртага ташладилар.

О'zLiDeP Низомида белгиланганидек, хотин-қизларни давлат ва жамият бошқарувида фаол эштиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш айти кундаги долзарб вазифалардан биридир. Партия ғоя ва мақсадларини амалга оширишда аёллар, уларнинг ҳаётини муаммоларига устувор аҳамият қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

4 >>>

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
28 НОЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПА
ИТТИФОҚИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВА
ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИ БЎЙИЧА ОЛИЙ
ВАКИЛИ, ЕВРОКОМИССИЯ ВИЦЕ-
ПРЕЗИДЕНТИ КЭТРИН ЭШТОННИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқи ташқи сиёсат хизмати раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини батафсил таҳлил қилиш, ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Утган йиллар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланди, унинг мустақкам институционал асоси яратилди, бу икки ва кўп томонлама тузилмалар фаолиятида ўз ифодасини топтоқда. 1996 йили Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон ва Евроиттифоқ раҳбарларининг 2011 йил январь ойида Брюсселда утган олий даражадаги учрашуви ҳамда унинг якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19 фоиз ўсиб, 2,36 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда ҳам бу ижобий тенденция давом этмоқда.

Томонларнинг ўзаро савдо учун шарт-шароитни янада яхшилаш ва уни диверсификация қилиш бўйича маълумланган саяё-ҳаракатларни, Ўзбекистонга Европалдан сармоя жалб этишни янада кенгайтиришни, мавжуд ресурслар ва илгор технологиялар асосида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга тайёрлиги таъкидланди.

Давлатга қарашли ва нодавлат ташкилотлар ўртасида маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва бошқа соҳаларда тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлашдан томонлар манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Учрашувда долзарб минтақавий муаммолар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожини билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилинди.

Кэтрин Эштон самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил ва самарали фикр алмашиш борасида яратилган имконият учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Евроиттифоқ Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи манфаатларига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Партиявий лойиҳа

О'ZLIDEP – ЁШ ОЛИМЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚКАМЛАШГА КИРИШДИ

ТОШКЕНТДА
**«ДАВЛАТ ВА
ЖАМИЯТ
ҲАЁТИНИНГ
ҲОЗИРГИ
БОСҚИЧИДА
МАМЛАКАТНИ
ДЕМОКРАТИК
ЯНГИЛАШ ВА
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ»
МАВЗУИДА
РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ
ЎТКАЗИЛДИ**

О'zLiDeP ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда 150 дан ортиқ 35 ёшгача бўлган олимларнинг давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш масалаларига оид илмий ишлар муҳокама этилди.

3 >>>



Ислохот

**Янги поездлар
қарши ва
термизда**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси Мароканд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳалари доирасида халқаро тендер танловлари ўтказилишини маълум қилди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ахборот хизматида хабар қилинишича, ДАТК 15 декабрда ўтказилиши кўтилётган тендер орқали Қарши ва Термиз локомotive деполари ҳамда компания тасарруфидаги баъзи корхоналар учун асбоб-ускуна ҳамда жиҳоз, шунингдек, бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари учун зарур бўлган машина ва механизмларни етказиб бериш бўйича муносиб ҳамкорларни танлашни кўзда тутган. Маълумотларга кўра, 2015 йилга қадар 140 километрни «Қарши-Мароканд» темир йўл участкаси Осиё Тараққиёт банки кредити ва «Ўзбекистон темир йўллари» маблағи ҳисобидан электрлаштирилади. Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) заёми ва ДАТК маблағи эвазига амалга оширилган ишлар натижасида эса 2017 йилдан узунлиги 325 километрга тенг «Қарши-Термиз» йўналишида янги электропоездлар қатнай бошлайди.

О'zLiDeP фракциясида

Тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар

О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИКДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ



Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йиллари мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мақсадида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди. Кичик бизнес ва хулафаси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг халқаро тажриба ва замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаётгани эса соҳа фаолиятини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА

АГАР СИЗ ДЕПУТАТ БЎЛСАНГИЗ...

Термизда «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасидаги «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг туманлар бўйича ғолибликни қўлга киритган 14 нафар номзоднинг ижодий иши муҳокама қилинди



ПАРЛАМЕНТДА

Тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ

Шу ўринда Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш имконини яратганини таъкидлаш жоиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоевнинг таъкидлашича, тадбиркорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Зеро, бундай технологияни амалга ошириш жорий этиш тадбиркорлик фаолияти самардорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бизнесда тадбиркорларнинг оптималлаштириш, давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг

шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, бундай усул АКШ, Англия, Канада, Германия, Франция, Жанубий Корея Республикаси каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ўзининг ижобий натижасини берган. Бундай технологияларни қўллаш аҳоли ҳамда бизнесга хизмат кўрсатиш сифати ва самарасини ошириш, тармоқда ортинча харажатларни қисқартириш имкониятини кенгайтираётган.

Тадбирда эътироф этилганидек, Ўзбекистонда ҳам бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз фармонлари асосида ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, давлат интерактив хизматларини кўрсатиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

— Айни кунда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтказилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Зилола Собирова. — Нати-

жада тадбиркорлар солиқ декларациясини тақдим этиш ҳамда солиқлар тўловини «он-лайн» тизими асосида амалга ошириш имконига эга бўлдилар. Бу эса ҳозирда ортинча овозагарчиликлар олдини олаётган. Бугунча 1,5 млн. дан ортиқ электрон шаклдаги солиқ ва молиявий ҳисоботлар топширилди. 2011 йилда бу тизимда фойдаланувчилар 194,7 мингдан зиёдни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сонини 207 мингдан ошди. Шунингдек, электрон инкасса топшириқларини тақдим этиш ва назорат қилиш тизими жорий этилиши билан Давлат солиқ қўмитаси тизимидея йилда 30–40 тонна қозонни, инкасса топшириқларини тайёрлаш бўйича 250 млн. сўм миқдордаги маблағни тежаш имконини берди.

Давра суҳбатидея таъкидланганидек, Давлат божхона қўмитаси томонидан ташқи савдо операцияларининг интеграциялашган идоралараро ягона электрон ахборот тизими йўлга қўйилгани ҳам тадбиркорлар учун қўшимча энгилликлар берди. Мазкур тизим ташқи савдо шартномаларини рўйхатга олиш жараёнини тезлаштириш ҳамда миллий товарлар экспортдан тушаётган маблағ устидан назоратни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси вакилларининг қайд этишича, тақдим этилаётган электрон шаклдаги фирма номларини рўйхатга олиш тизими орқали бугунги кунда 77 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг электрон мурожаатлари кўриб чиқилиб, рўйхатга олинди. Фирма номларини рўйхатга олиш бўйича аризалар статистика органлари томонидан кечаю-кундуз қабул қилинмоқда. Аризаларни кўриб чиқиб ва аризага тегишли билдирги хати 4 иш соатидан ошмаган муддатда юборилмоқда.

Анжуман иштирокчиларининг таъкидлашича, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, бугун тадбиркор учун банк-мижоз, интернет-банкнинг, SMS-банкнинг каби хизмат турлари таклиф этилмоқда.

Давра суҳбатидея қайд этилдики, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевоқиф мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтиш бугуннинг талабидир.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларига турли рухсатнома-лар бериш жараёнини бошқаришда энг қўлай воситалардан бири замонавий АКТ асосида «бир дарча» тамойилининг жорий этилишидир. Давлат бошқаруви хизматларининг интерактив усулда тақдим этилиши ишбилармонлар давлат хизматлари билан яқиндан танишиш, ундан фойдаланиш учун «он-лайн» талабномасини тўлдириб, давлат органлари томонидан унинг бажарилиш жараёнини назорат қилиш имконини берди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, тадбиркорлик фаолиятида бу каби инновацион воситалардан фойдаланиш янада тезлаштириш учун унинг қўнуни асосларини такомиллаштириш зарур. Негаки ҳар қандай янгиланиш амалиётга жорий қилишда унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлиши шарт.

Давра суҳбатидея тадбиркорликда замонавий ахборот технологияларини қўллаш янада ривожлантиришга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

Бош қомусимиз ислоҳотлар пойдеворидир

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИДАГИ ҚУТЛУҒ САНА — БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЗАРУР



Полянте Светлани, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Зеро, мазкур ҳужжат мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» асосида жамият ва давлатни модернизация қилиш борасида амалга

энг муҳим омил сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай шароитлар яратилди. Зеро, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган 400 дан зиёд қонун қабул қилинган бўлса,

Шу ўринда иқтисодиёт таянчига айланган мазкур соҳани ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар муваффақиятли қўлланилганини, бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 2000 йилдаги 15 фоиздан 2012 йилда 5 фоизга (3 баробар зиёд) камайтирилганини халқаро экспертлар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. Бундай шароитларга, шубҳасиз, Бош қомусимизда белгилаб берилган кафолатлар асос бўлаётган.

Маълумки, истиқлол йилларида олиб борилган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнларида ўнг минглаб давлат мулки объектлари, авваламбор, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, саноат, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий мулкка ўтказилиш берилди. Натижада мулкчилик тузилмасида туб ўзгаришлар рўй бериб, кўп укладли иқтисодиёт шакллари, унда хусусий мулк учун мустаҳкам замин яратилди.

Ушбу жараён бугунга келиб ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бу айни пайтда мулкни самарали бошқариш, сифатли рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли бандлиги ва даромадларини юксалтиришга олиб келмоқда. Кичик ишлаб чиқаришларни ташқи етиштиришга қўллаш мақсадида эса жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий миқдорда 19,4 миллиард сўмга тенг 55 та давлат активлари сотилгани, қарий 17,6 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан жамиятни бошқичма-бошқич ва изчил демократик янгиллаш ва мамлакатни модернизациялаш натижасида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдан манфаатдор бўлган ижтимоий қатлам юзга келди ва мамлакатни тараққиёт ва демократик ўзгаришлар сари илгариланишнинг фаол ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» жамият ва давлатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларга мустаҳкам асос бўлди.

оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларга мустаҳкам асос бўлди. Шу ўринда мустақиллик йиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асоси сифатида танлаб олинганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Конституция-мизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзбекистон иқтисодиётининг негизини шимла-хил шаклларидаги мулк ташкил этиди. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик фаолияти учун мустаҳкам кафолатлар яратиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашувларининг олдини олиш, ҳар қандай фуқаронинг хусусий капитални асосида ўз бизнесини ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим саналмоқда.

уларнинг 250 таси айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилди. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши эса ислоҳотларнинг янги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш, соҳага оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш имконини берди. Таҳлилчиларнинг фикрича, ана шундай муҳим ҳужжатлар асосида қабул қилинган қонунлар орасида «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларни алоҳида қайд этиш лозим. Улар тадбиркорлик фаолияти учун мустаҳкам кафолатлар яратиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашувларининг олдини олиш, ҳар қандай фуқаронинг хусусий капитални асосида ўз бизнесини ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим саналмоқда.

«Euroasia carpet» ташқи бозорни ҳам забт этаяпти

ЯҚИНДА БРЮССЕЛДА БЎЛИБ, ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАРИНИНГ ИШ УНУМИ БИЛАН ТАНИШДИМ. УЛАР ҚОРХОНАМИЗГА ЎРНАТИЛГАЧ, МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ТУРИ КЎПАЙИБ, СИФАТИ ОШАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ...

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI ASR»


Айни пайтда «Euroasia carpet» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган гиламларга нафақат ички бозорда харидор топилаётган, балки хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу, энг аввало, қўшма корхона маҳсулотларининг сифати, бежирим ва гўзаллиги, ўзига хос дизайни билан боғлиқдир. Шу йилнинг ўтган даврида корхонада 5,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан 1 миллиард 200 миң АКШ доллари миқдоридея гилам экспорт қилинди.

Муваффақиятнинг фикрича, «Euroasia carpet»да 11 турдаги гилам ва 2 турдаги полипропилен иллари ишлаб чиқарилади. Бу ерда Германия ва Бельгиянинг юқори қувватли «CRX 82420», «CRP 92500» ҳамда «Alpha 320», «Alpha 360», «Alpha 360 Dobby» русумли дастгоҳлардан фойдаланилаётган. Айни пайтда ҳам корхонада модернизациялаш ва янги технологияларни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, полипропилен иллари ишлаб чиқариш учун Туркиядан замонавий дастгоҳлар келтирилди. Германия ва Франциядан эса ёрдам-

чи дастгоҳлар сотиб олинди. Илгари гилам тўқишда ишлатиладиган полипропилен иллари четдан келтирилган бўлса, айни пайтда бу маҳсулот корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Энг муҳими, гилам тўқиш, пардозлаш ва полипропилен ишлаб чиқариш цехларида 100 га яқин ходим учун иш ўрни яратилди.

— Тўрт йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди гилам цехи тўқувчиси Ҳамид Очиллов. — Дубайга бориб, гилам тўқиш дастгоҳларини бошқаришни ўрганиб келдим. Кундан-кунга тажрибамиз ошиб бораётган. Гиламларимизнинг экспорт қилинаётгани эса кучимизга-қуч, ғайратимизга-ғайрат қўшаётган. Биз учун энг муҳими — сифат. Ишчиларга барча меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Ойлик маошларимизни вақтида олишдан ташқари илгор ходимлар доимо рағбатлантирилмоқда.

Шу ўринда юқори унум билан ишлаётган корхона маҳсулотларига июль ойида халқаро сифат тизими жорий этилиб, ISO 9001:2009 мувофиқлиги сертификатини олиш таъкидлаш мумкин. Тадбиркорлар ўртасида ўтказилган «Ташаббус-2010» ва «Ташаббус-2011» кўриқ-танловларининг Жиззах шаҳар босқичида қатнашган ишбилармонлар эса «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича



ча иккинчи ўринга лойиқ, деб топдилар. Утган йили қўшма корхона «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ўз хиссасини қўшган намунали солиқ тўловчи» деган номга ҳам сазовор бўлиб, Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

— Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди корхона бош директори ўринбосари Шероод Салимов. — Куни кеча Брюсселдан келдим. У ерда тўқимачилик йўналиши-

даги энг замонавий дастгоҳларнинг иш унуми билан танишидим. Мазкур дастгоҳларни корхонамизга келтирсак, маҳсулот тури кўпайиб, сифати янада ошади. Натижада янги иш ўринлари ҳам пайдо бўлади.

Ҳикоямизда тилга олинган катта ютуқлар, шубҳасиз, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган қўлай шароит ва имтиёزلарнинг бир қорхона миқдоридея кўриниши, холос.

ХАБАРЛАР

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КУНЛИК ЭҲТИЁЖГА АЙЛАНДИ

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон дастурий маҳсулотлар бозори: тараққиёт ва истиқбол вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда корхона ва ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берувчи дастурий маҳсулотлар сонини кўпайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларга ўз дастурий маҳсулотларини жорий этишда қўмақлашнинг борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

— Дастурий маҳсулотларсиз бугунги ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин, — дейди Ўзбекистон Ахборот технологиялари ассоциацияси ижрочи директори Илҳом Абдуллаев. — Масалан, интернет тармоғи орқали ҳар хил йўналишдаги маълумотномалар ва сервис хизматларидан фойдаланиш, тегишли идораларга ҳисоботларни топшириш кунлик эҳтиёжга айланди, десак муболага бўлмайдими. Ўз навбатида, банк тизими, таълим, тиббиёт сингари соҳаларда ахборот технологиялари ёрдамида қатор янгилар жорий этилмоқда. Бу қўлайликлар эса айнан дастурий маҳсулотлар эвазига яратилаётган. Демак, уларни кўпайтириш ва ривожини таъминлаш бугунги кун талабидир.

ТЕЗГУЗАР ЯНГИ БИНОДА

Шофиркон туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда «Абдулло-22» фермер ҳўжалиги саз-ҳаракати билан Тезгузар қишлоқ фуқаролар йиғини биноси мукаммал таъмирланди. Энг асосийси, бунёдкорлик ишларидан сўнг бу ерда ҚФЙнинг самарали фаолият олиб бориши учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилди. Жумладан, янги қиёфага кирган бинода туман бандликка қўмақлашнинг ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, солиқ инспекцияси, «Миллий банк»нинг туман бўлими, шунингдек, миллияни таянч пункти фаолият кўрсата бошлади. Таъкидлаш ўринлики, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ фойдаланишга топширилган янги бинода «Ёш оила» тўғрисида ҳам ташкил этилди.

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА

О`zLiDeP ёш олимлар билан амалий ҳамкорликни мустақкамлашга киришди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформасида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, янги авлод вакилларининг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларидаги интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун тизимли ишлар олиб бориш долзарб масалалардан бири сифатида белгилаб олинган. О`zLiDeP ана шу мақсадда турли партиявий лойиҳаларни изчил амалга ошириб келмоқда. Партия фаолларининг фикрича, ушбу анжуман ҳам навбатдаги йирик лойиҳа бўлиб, у партиянинг ёшларга оид сиёсатини янада мустақкамлашга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Партия фаоллари ушбу йирик анжуман Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ва О`zLiDeP Дастурида белгилаб берилган вазифаларни ҳал этиш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва улар билан демократик ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада чуқурлаштиришга оид дастурий мақсад ва вазифаларни муҳофаза қилишга ҳизмат қилишини таъкидламоқдалар. Бундан ташқари, тадбир партия кадрлар захираси учун иқтидорли ёшларни танлаш ҳамда уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсишлари учун ҳам кенг имконият яратди.

Тадбирда О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев сўзга чиқиб, бугунги анжуман Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

қабул қилинганининг 20 йиллиги арафасида ташкил этилгани бежиз эмаслигини таъкидлади.

— Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш соҳасида қўриқилган чора-тадбирлар тараққийнинг «Ўзбек модели»нинг ажралмас қисмидир, — деди М.Тешабоев. — Мазкур дастур ёш авлод оғида демократик қадриятларни мустақкамлашга қаратилган бўлиб, ўз фикри, қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйилгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро Конференцияда иштирок этган кўплаб хорижий экспертлар, олим ва мутахассислар томонидан мамлакатимизда мустақиллик йилларида жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида изчил ислохотларнинг амалий натижалари халқаро миқдосда эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

2003 йилдан бери мамлакат сиёсий майдонида фаолият олиб бораётган О`zLiDeP Дастурида ҳам партия давлат ва



жамият тизими ривож ва янгиликларнинг асосий таянчига айланиши ҳамда Ватан тараққийи, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун масъулятини ўз зиммасига олиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Айни пайтда 173 мингдан ортиқ азоси бўлган О`zLiDeP мафқуравий, ташкилий-кадрлар, электорат, ёшлар ва аёллар билан ишлаш йўналишларидаги вазифаларни ҳам тизимли лойиҳалар орқали амалга оширмоқда.

2010-2012 йилларда биргина ёшлар йўналишидаги лойиҳа-

ларда 110 мингдан зиёд йиғит-қиз иштирок этиб, уларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири битирувчиларнинг 928 та ижтимоий аҳамиятга эга бизнес-лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Уларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан 5,2 млрд. сўмга тенг кредитлар ажратилди ва қишлоқ жойларида 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 150 нафардан зиёд академик лицей ўқувчилари ва коллеж талабалари О`zLiDeP стипендияси эгалари бўлишди.

«Давлат ва жамият ривожланишининг бугунги босқичида мамлакатни демократик янги-

лаш ва модернизация қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги бугунги анжуман эса жорий йилдаги энг йирик лойиҳаларимиздан биридир.

Анжуман доирасидаги танлов «Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш», «Суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотлар» ҳамда «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш» йўналишларини қамраб олган.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси билан ёш олимлар ва мутахассислар ҳам-

корлигини мустақкамлаш, замонавий фикрловчи, юқори маънавият мутахассислар, фидойий ёшларни давлат тузилмаларига жалб этилишини таъминлайдиган тизим яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, депутатлик корпусининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришни ҳуқуқий тартибга солишга доир фаолиятини ривожлантириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардандир.

Анжуман ёш олимларга ўз

ижодий ишларини тақдим этиш, етакчи мутахассислар, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ўз тенгдошлари билан фикр алмашиш имконини берганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбир якунида қабул қилинган тавсияларда ёш олимларнинг ижодий ишланмаларини амалиётга таъбиқ этиш бўйича мониторинг ўтказиб бориш ва ушбу анжумани изчил давом эттириш лозимлиги қайд этилди. Анжуманда ўз илмий ишларини тақдим этган энг фаол ва истиқболли ёш олимларга О`zLiDePнинг эсдалик совгалари топширилди.

Истам АСТАНОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг 1-босқич докторант-тадқиқотчиси, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш» йўналиши бўйича диплом соҳиб:

«Давлат ва жамият ҳаётининг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнининг долзарб масалалари»га бағишланган танловда «Суд-ҳуқуқ ислохотлари замирида махсус билимлардан фойдаланишнинг концептуал асослари» мавзусидаги мақолам билан иштирок этдим. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш борасидаги тақлифларимни илгари сурганман. Хусусан, қўнунчилигимизда экспертиза институти имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, унинг самаралорлигини ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид фикрларим мутахассислар ҳамда қўнун ижодкорлари томонидан инобатта олинганини истардим.

Соҳиба ИНОЯТОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг «Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи» кафедраси доценти, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш» йўналиши бўйича диплом соҳибаси:

Танловда «Хорижий арбитраж судлари ҳал қилув қарорларини амалда таъбиқ этиш ҳақидаги Нью-Йорк Конвенциясига кўра ҳақамалли судлари қарорларининг ижросини таъминлаш» мавзусидаги мақолам билан қатнашдим. Маълумки, айни пайтда ҳақамалли судлари қарорлари ижросини таъминлаш механизмининг янада мукамаллаштириш талаб этилмоқда. Буни қўнунчилигимиз ҳамда қўнунности акларидаги тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритмай амалга ошириб бўлмайди, албатта. Мақоламдан ўрин олган тақлифлар ана шу жараёнда ҳисса қўшди, деган умидланам.

Тамара ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети Тарих ва ҳуқуқ факультетининг жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика кафедраси доценти, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш» йўналиши бўйича диплом соҳибаси:

Танловда «Алкоголизм ва гиёҳвандликка чалиниб, жиноят содир этган аёлларни мажбурий даволашда инсон ҳуқуқ ва манфатларининг кафолатланиши» мавзусидаги мақолам билан иштирок этдим. Унда алкогольизм ва гиёҳвандликка чалинган аёлларни мажбурий даволаш жараёни самаралорлигини оширишга қаратилган тақлифлар, жумладан, бундай аёлларни умумий асосларда наркология диспансерларида даволаш ва уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш кераклиги тўғрисидаги фикрларимни илгари сурдим. Шу ўринда мазкур анжуман иштирокчиси сифатида О`zLiDePнинг ёш тадқиқотчиларда сиёсий қўнунчаларини шакллантириш, қўнунчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти менда катта таассурот қолдирганини айтмоқчиман.

Бекзод РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг тадқиқотчиси, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси «Ўзэлектротармок» унитар корхонаси юридик бўлими юрист консультанти, танлов қатнашчиси:

Шу пайтгача бир қатор танловларда қатнашган бўлсам-да, бугунги кенг қўламли анжуманда иштирок этмаган эдим. Ушбу танловда «Ўзбекистонда «Хабес корпус» институти ва жиноят-процессуал қўнунчилигини янада тақомиллаштириш» мавзусидаги мақолам билан қатнашдим. Унда судлар мустақиллиги ва қўнунчиликлари амалга ошириладиган ислохотлар самарасини янада ошириш, хусусан, айбдор дея гўмон қилинаётган шахсини ушлаб туриш чорасини қўллашнинг қўнунчилиги ва асослигини текшириш ваколатини судларга бериш ва бу чорани ижро этиш устидан суд назоратини ўрнатиш борасидаги тақлифларимни илгари сурдим. Гарчи танловда ғолиб чиқмаган бўлсам-да, бу анжуман кучсиз жиҳатларини аниқлаш имконини берганини таъкидламоқчиман. Имкониятдан фойдаланиб, биз каби ёш тадқиқотчилар келажаги учун қайғураётган О`zLiDePга ўз миннатдорлигини билдираман.

Музаффар АБДУСАМАТОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг кичик илмий ходими, «Бозор ислохотларини

чүқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш» йўналиши бўйича диплом соҳиб:

Бугунги танловга тақдим этган «Халқаро облигациялар — миллий иқтисодийга хорижий капитални жалб қилиш воситаси» мавзусидаги мақолам билан мавжуд ҳолатни таҳлил этиш асосида айрим тақлифларни илгари сурдим. Унда, хусусан, Ўзбекистоннинг кредит рейтингига доир Президент ва ҳуқуқ қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида рейтинг олиш билан боғлиқ жараённи ўрганиб, тегишли ташкилий тадбирларни амалга оширувчи махсус давлат комиссиясини ташкил этиш тақлифи билдирилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда халқаро облигацияларни муомаласида чиқариш ва уларни жаҳон бозорларида жойлаштириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш чораларини ижросини таъминлаш мақсадида қўнунчилик асосларини яратишга оид тақлифларим ҳам бор. Мақоладан, шунингдек, банкларнинг халқаро молия бозорлари интеграциялашувида қаратилган янги миллий дастурини ишлаб чиқиш тақлифи ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, РЕПО операциялари ҳамда векселлар муомаласи бўйича мавжуд қўнунчиликни тақомиллаштириш, замон талабларига жавоб бериш ҳуқуқий мезор ва механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозимлиги ҳам эътибор қаратганман.

Барногул САНАКУЛОВА,
Тошкент Молия институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди, «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш» йўналиши бўйича диплом соҳибаси:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмининг тақомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсшини таъминлаш истиқболларига бағишланган. Унда кичик корхоналар зиммасидаги солиқ юкунини аниқлашда корхона томонидан тўланган барча солиқлар, тўловлар, ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқ ва бадалларни ҳам қўшиш лозимлиги ҳақидаги тақлиф илгари сурилган. Чунки бу масала кичик корхоналар учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Азамат БАЙМУРЗАЕВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети Тарих ва ҳуқуқ факультети социал фанлар кафедраси ассистент ўқитувчиси, «Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» йўналиши бўйича диплом соҳиб:

Танловга тақдим этган «Цивилизация ёндашув Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотларни таҳлил қилишнинг методологик асоси сифатида» мавзусидаги илмий мақоламда жамият ривожига цивилизация ёндашувнинг муҳим эканлигини исботлашга ҳаракат қилдим.

Жамшидхон ИМОНОВ,
Тошкент Давлат иқтисодий университетининг «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси ассистенти, «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш» йўналиши бўйича диплом соҳиб:

Танловда «Қишлоқ хўжалиги соҳасига халқаро сифат стандартларини жорий этиш афзалликлари» номи мақолам билан иштирок этдим. Миллий иқтисодийнинг жаҳон иқтисодийга интеграциялашуви жараёнини, қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг муҳим соҳаси, яъни мамлакат ишлаб чиқаришининг асоси эканлигини инобатга олсак, ҳар қандай корхона учун халқаро сифат стандартларини жорий этиш ва сертификатлаш кераклигини аниқлаб етаемиз. Маълумки, халқаро сифат сертификати таъқи бозорда ишлайдиган ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот еттиштирувчи корхона учун муҳим омил саналади. Зеро, бундай сертификат корхонанинг сифат юзларига содиқлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам бўлиб, у корхона имиджини кескин оширади.

Наргиза НИЯЗОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Жаҳон сиёсати» кафедраси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси, «Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» йўналиши бўйича диплом соҳибаси:

О`zLiDePнинг ёш олимлар ва тадқиқотчилар танловига тақдим этган «Гендер — ижтимоий жинс» мавзусидаги илмий мақолам орқали аёл ва эркеклар ўртасидаги тафовутни ижтимоий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдим. Маълумки, гендер аёл ва эркекларнинг ижтимоий муҳим неъматлар, имконият, омил ва рағбатлантиришлари бир хил эгаллик қилишини тақозо этади. Шуниси аҳамиятлики, гендер тенглик аёл билан эркекнинг бир хиллигини эмас, балки имкониятлар ва яшаш шароитларининг тенглигини ифодалайди. Бутун мавжуд сиёсий партия аъзоларининг 40-50 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этиши ва партиялар қосида «Аёллар қаноти»нинг фаолият юриятетганини назарда тутсак, бу О`zLiDePнинг ҳам муҳим йўналишларидан бири эканлини аниқлатади. Бу борадаги илмий изланишларимни партия қўмағида амалга ошириш имкониятига эга бўлаётганим учун танлов ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

Саҳифани А.МУРОДОВ,
А.САЙИДАСҚАРОВ,
Ш.РАҲИМОВ,
Солих ЗОИР (фото) тайёрлади.

Цивилизация ёндашув тараққийининг «Ўзбек модели»ни танлаш сабаблари ва узига хос жиҳатларини тушуниришда методологик асос сифатида Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциядан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, ривожланишнинг «Ўзбек модели» натижалари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг изчил, босқичма-босқич йўли энг тўғри йўл бўлганини тасдиқламоқда. Шу босқич ижтимоий фалсафада цивилизация ёндашув асосларининг кенг таъбиқ этилиши ва ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фанлар учун методологиянинг яратилиши ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган масалаларнинг назарий ва амалий ечимини топишда катта ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

ҚОНУНЧИЛИК

Энди асосли таваккалчилик жиноят ҳисобланмайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Фахриддин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 41-моддаси «Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари олдидagi шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди...» деган қоида билан тўлдирилди.

Унга қўра, тадбиркорларнинг ўзларига кўрсатилган хизматлар ҳамда банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари жиноятни истисно қилувчи ҳолат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу қонун кучга киргунга қадар бирон бир шахс банкдан кредит олиб касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари оқибатида банкрот ҳолатига тушиб қолса ва кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, банк ва бошқа молия муассасалари ходимлари айрим ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилар эди. Янги қонун билан ана шу ҳолатга батамом барҳам берилди. Чунки Жиноят кодексининг 41-моддасида шартнома асосида олинган кредитлар қайтарилмаган тақдирда, банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмагани қатъий равишда белгилаб қўйилди. Бунинг асосий сабаби банк ва бошқа молия институтлари ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳисобланганлиги, кредит портфелини сотиш улар учун таваккалчилик ҳисобланади. Чунки тадбиркор барчи кредитни олаётган вақтда касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликларига эришган бўлади.

Шу ўринда мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси «Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ҳамда устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан юридик шахсга нисбатан унинг раҳбари ёки ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғри-



сидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс мансабдор шахс, мулкдор ёки ваколатли бо-

далари бўйича юқориди қайд этилган шахс ва органларнинг аризаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-

латли бошқарув органининг аризасига қўра жавобгарликка сабаб бўлади» деган мазмунда қўшимча

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлар ҳамда банк ва бошқа молия муассасалари ходимларига касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари жиноятни истисно қилувчи ҳолат эканлигини мустаҳкамламоқда.

шқарув органининг аризасига қўра қўзғатилади» деган норма ҳам киритилганини айтиш жоиз.

Маълумки, Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда озоликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмагани белгилаб қўйилган эди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида эса устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан юридик шахснинг раҳбари ёки ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича мазкур юридик шахс мансабдор шахс, мулкдор ёки ваколатли бошқарув органининг аризаси берилмаса, жиноят иши ҳам қўзғатилмайдиган бўлди.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-мод-

ларга берилмаган тақдирда ҳам бу ҳолат жиноятни яшириш, деб квалификация қилинмайди. Чунки мазкур қонун билан жиноят ҳақида ариза бериш-бермаслик ҳуқуқи тадбиркорлик субъектларининг ўзларига юклатилмоқда. Бу билан Жиноят кодексининг ушбу моддалари янада либераллаштирилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддасига «Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни уларнинг раҳбари ёки ходими томонидан ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-тароз этиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мансабдор шахс, мулкдор ёки вако-

киритилди.

Шунингдек, мазкур қонун билан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш мақсадида бошқа қонун ҳужжатларига ҳам бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлар ҳамда банк ва бошқа молия муассасалари ходимларига касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари жиноятни истисно қилувчи ҳолат эканлигини мустаҳкамламоқда. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини жадаллаштиришда банклар томонидан фуқароларга кредитлар бериш учун янада қўлай шарт-шароит яратилди, деганидир.

«Аёллар қаноти»

Изчиллик ва фаоллик самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Носир ТОШЕВ,
Наргиза КАХҲОРОВА,
«XXI ASR»

О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Аёллар қаноти» ва унинг ҳудудий кенгашлар қўшидаги бўлими ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг сийсий-ҳуқуқий билимларини оширишга жиддий эътибор бераётган. Бу борада жойларда ўтказилаётган турли тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётган. Жумладан, амалдаги йилнинг тўққиз ойи мобайнида жойларда 2243 дан ортиқ давра суҳбатлари, учрашу ва семинар-тренинглар ташкил қилиниб, уларда 120 минг нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этишди.

Энг муҳими, ана шу жараёнда аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиб, О'zLiDePнинг гоё ва мақсадлари ҳақида етарли тushунчага эга бўлмоқдалар. Бу эса сийсий ислохотларни чуқурлаштиришга муҳим аҳамият касб этаётган. «Аёллар қаноти»нинг биргина «Тадбиркорлик таълимлари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида жорий йилнинг апрель ойинан бери 520 та семинар-тренинг ўтказилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбирнинг узвий давоми бўлган «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси эса минглаб аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билим ва кўникмаларини бойитиш билан бирга уларни хусусий сектор соҳасига кенгроқ жалб қилиш имконини бермоқда. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаги хотин-қизларга бизнес-режа тузиш, мулкрий муносабатларни йўлга қўйиш ва бо-

шқа масалаларда яқиндан ёрдам кўрсатилаётган. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 144 та янги иш ўрни яратилиб, электротар аъзолари 150 нафар аёл ҳисобига қўйилгани ҳам эътиборга моликдир.

— Хотин-қизлар ҳаётимизда катта куч саналади, — дейди партия Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Муҳлис Аҳрамова. — Шу босидан биз улар-

туманидаги «Саодат» фермер ҳўжалиги раҳбари Наргиза Бекжонова. — Лойиҳада голиб чиққач, «Микрокредитбанк»нинг тармоқ бўлимидан 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирда Хонқобод шаҳарчасида ташкил этилган тикувчилик пехида 10 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Фермер ҳўжалигини янада ривожлантириш учун

«Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси минглаб аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билим ва кўникмаларини бойитиш билан бирга уларни хусусий сектор соҳасига кенгроқ жалб қилиш имконини бермоқда.

нинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, сийсий билимларини ошириш, тадбиркорлик соҳасидаги имкониятларидан унумли фойдаланиш, электротар аъзолари бўлган мулкдорларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаётиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги барча учун айни муқоаб бўлди. Хусусан, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинаётган янги қонунлар кичик бизнес, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маълумки, хусусий тадбиркорликни изчил тараққий эттириш учун оила аъзоларидан фаоллик ҳамда ташкилотчилик талаб этилади. «Аёллар қаноти» шунини ҳисобга олиб, жойларда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларга яқин маълумот бериш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Интилиш ва изланиш эса янги ютуқларга йўл очаетир.

— Янги тикувчилик пехи очини мақсадида бизнес-режа тузгандик, — дейди Хонқобон қатори яна 78 нафар хотин-қиз ўз бизнес лойиҳаси билан қатнашаётганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир.

Бир сўз билан айтганда, О'zLiDePнинг ташаббускор аёллари ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, омма ичига чуқурроқ кириб боришга, маҳаллалар, ташкилотлар, чекка қишлоқлардаги хотин-қизларга яқиндан ёрдам беришга, шу орқали уларни ижтимоий-сийсий жараёнларга кенгроқ жалб этишга интиломоқдалар. Бу эса «Аёллар қаноти»нинг партиявий бурча катта масъулият билан ёндашаётганлигини далolat беради.

Эълон

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Жалақудук тумани, «Гурунч-мозор нефть базаси»нинг буортмасига асосан Андижон вилояти, Жалақудук тумани, Охунбобоев шаҳри, Дустилик кўчаси, 8-уйда жойлашган «Гурунч-мозор нефть базаси»га қарашли 2007 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ» русумли (давлат белгиси 60370 САА бўлган) автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 6214000 (олти миллион саккиз юз ўн тўрт миң) сўм;**

Андижон шаҳри, Пушкин кўчаси, 43-уйда жойлашган 3-сонли ҳарбий савдо ташкилотининг 02.10.2012 йилдаги алоқа хатига асосан 3-сонли ҳарбий савдо ташкилотига қарашли қурилиш моллари (моддий товарлари).

2. Андижон вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 20 июндаги 17-1207/8537-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот, деб эълон қилинган «Галактика элит» хусусий корхонасига қарашли 1963 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 51» русумли (давлат белгиси 17 AP 814 бўлган) автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 546863 (беш юз қирқ олти миң саккиз юз олтинчи уч) сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 31 декабрь ҳамда 2013 йил 2,4,5 январь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навоий шўқ кўчаси, 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорини гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилини лозим.

Қўшимча маълумот учун манзил: «ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ Андижон шаҳар, А.Навоий шўқ кўчаси, 30-уй, 215-хона. Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81, Гувоҳнома № 00126

Депутатлик назорати — долзарб масала

АЙНИ ПАЙТДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВОБКЕНТ ТУМАН КЕНГАШИДА 30 НАФАР ДЕПУТАТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 15 НАФАРINI О'ZLiDeP АЪЗОЛАРИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоизки, тумандаги барча сийсий партиялар вакиллари ўз дастурлари ва сайловли платформаларидан келиб чиқиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни олиб бормоқдалар. Хусусан, халқ депутатлари туман кенгаши қўшидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи вилоят кенгаши, «Аёллар» ҳамда «Ёшлар қаноти» билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари билан сийсий муносабатларни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Депутатлик гуруҳлари йиғилишларида маҳаллий ҳокимлик, корхона, ташкилот ва муассасалар мутасаддиларининг турли масалаларга оид ҳисоботларини

тинглаб бориш ўзига хос анъанага айланган. Жумладан, депутатлик гуруҳи яқинда туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Маҳмуд Ҳалимовнинг аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан даромад олиш имкониятларини янада кенгайтириш, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечим юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тинглаб, ушбу масалани халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишга қарор қилди.

Сессияда, шунингдек, яна бир масала — туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимининг 2012 йилги иш фаолияти ҳам депутатлар томонидан қизини муҳокама қилинганлиги ва соҳа тараққийоти билан боғлиқ муҳим тақлифлар ўртага ташланганлигини таъкидлаш ўринлидир.

О'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишларида банк, солиқ идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳам тинглаб борилади. Бу, ўз

навбатига, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, электротар вакиллари ҳар томонлама молиявий кўмак бериш, имтиёзли кредитлар ажратишнинг қонуний мезҳрларини белгилашга муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, депутатлик гуруҳининг 26 октябрда ўтказилган йиғилишида кун тартибидagi масалалар алоқадор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари сўзга чиқиб, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенг йўлга қўйиш ва унинг халқ ҳўжалиги тараққийотидаги аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Йиғилишда, шунингдек, давлат инвестиция дастурининг тумандаги ижросига оид масала ҳам кенг муҳокама этилди. Депутатлик гуруҳи аъзолари халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига тегишли тақлифларни киритишга қарор қилдилар.

Умуман, жорий йил бошидан бери ўтказилган депутатлик гуруҳи йиғилишларида туман бандликка қўмаклашиш маркази, маиший хизмат ва қишлоқ

ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежлари раҳбарларининг янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-ҳўнар коллежлари биттирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муборак Наимова ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Юнус Бобомуродовнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига оид ахборот ва ҳисоботлари ҳам тинланди.

О'zLiDePдан сайланган депутатлик сўровларини амалга оширишга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, депутат Баҳодир Фафоровнинг «Вобкентдарё»нинг тумандаги «Араблар» ва «Ҳолватарон» қишлоқларидан ўтган қисмида — дарё ўзанининг чап томонида емирилиш ҳоли бўлганлиги сабабли 0,6-0,8 гектардан иборат экин майдонига салбий таъсир ўтказилаётганлиги билан боғлиқ депутатлик сўровига жавобан Хархўр-Дуоба ирригация тизими ҳавза бошқармаси томонидан тегишли ишлар амалга

оширилиб, бу масала қисқа вақт ичида ижобий ҳал этилди.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Муборак Наимовнинг Хўжаробод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги бўш бинолардан бирини таъмирлаб, ундан қишлоқ врачлик пункти ва «Тез ёрдам» маскани сифатида фойдаланишга оид депутатлик сўровига туман ҳокимлиги раҳбарияти масъулият билан ёндашди. Натъжада бу масала ҳам ўз ечимини топди. Шунингдек, депутат Шабон Ҳожиевнинг ерларни сўғоришга мўлжалланган тик қудуқни қайта таъмирлаб ишга тушириш, қўшимча сўғориш шохобчасини барпо этиш билан боғлиқ депутатлик сўрови ҳам эътибордан четда қолмади. Шу тариқа Кумушкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи аҳолининг яна бир муаммоси ижобий ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, туман иқтисодий-ривожлантиришда О'zLiDePдан сайланган депутатларнинг ҳиссаси катта бўлаётган.



О'ZLIDER ЯНГИБОД ТУМАН КЕНГАШИДА «Онлави тadbиркорлик - мустахамк онла таянчи» мавзуда очик мулокат ташкил этилди. Унда онлави хусусий корхоналар фаолиятининг хукукий асослари, онлави реал даромадларини ошириш ва унинг иктисодиётдаги ўрни хусусида атрофлича фикр юритилди.



КОГОН ШАХАР МАДАНИЯТ БЎЛИМИ ҚОШИДАГИ БПТ томонидан ўтказилган тadbирда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия электорати ўртасида тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва жойларда ислохотларни янада чуқурлаштириш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди.



ПАХТАЧИ ТУМАНИДАГИ БПТЛАР фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган мулоқотда онлави тadbиркорлигини ривожлантиришда партия куйи бўғинларининг ахамияти ҳақида атрофлича сўз юритилиб, кун тартибидagi масала бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

48 (472)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

29

ноябрь, пайшанба

Партиявий ғоялардан – амалий ишларга

О'ZLIDER НИЗОМИДА ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР МОҲИЯТИНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ, ПАРТИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТАЁТГАНЛАРНИ ДЕПУТАТЛИККА ТАВСИЯ ЭТИШ, САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧINI ҚОЗОНГАН ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИГА ЭСА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ВА ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРДА ВАКИЛ СИФАТИДА ИШ ОЛИБ БОРИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ЮКЛАШ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ, «XXI ASR»

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Трансмаҳсуқурилиш» ассоциацияси қошидаги бошланғич партия ташкилоти ушбу талаблардан келиб чиқиб, сайловчилар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Зеро, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янгидан-янги ютуқларга йўл очди. Тўғри, бугунги кунда Ҳамза туманида фаол, ташаббускор куйи бўғинлар оз эмас. «Трансмаҳсуқурилиш» ассоциацияси қошидаги БПТ эса улар орасида ўзининг сиёсий барқарорлиги, сафларининг мустаҳкамлиги билан алоҳида ажралиб турди. Мавжуд 90 нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлардан 32 нафари О'zLiDeP аъзоси эканлиги фикримизга мисолдир. Бошланғич ташкилотнинг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида ассоциация «Трансмаҳсуқурилиш-таъминот» МЧЖ директори Баҳром Розиков раис этиб қайта сайланди. Бу, шубҳасиз, унга билдирилган катта ишончдир.

БПТ аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қонунларга киритилаётган ўзгаришлар, либерал-демократик ғоялар моҳиятини омма онига етказиш, О'zLiDeP сафларини мустаҳкамлаш йўлида рағбат ва ташаббус кўрсатмоқда, — дейди партия туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.Назарова. — Корхонада БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Бу ердан ўрин олган сиёсий алабиётлар, турли хилдаги тарғибот материаллари маслаҳатдошлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг билим ва тафаккурини бойитишда қўл келаётди.

Таъкидлаш жоизки, корхонада ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маъ-



навий-маърифий тadbирларда бошланғич ташкилот ҳаммиса бош-қош бўлмоқда. Жумладан, О'zLiDeP туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оила — жамият таянчи», «Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият», «Конституция — демократик-ҳуқуқий давлат қуриш кафолатидир» мавзуларидаги тadbирлар барчада катта таассурот қолдирди. Ташкилий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда айниқса Нодир Юсупов, Наталья Чезрякова,

Жамолiddин Ашуров, Любовь Шеглова каби маслаҳатдошларнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Улар партиявий бурча масъулият билан ёндашиб, жамоа ҳаётида фаол иштирок этишмоқда. Кези келганда «Трансмаҳсуқурилиш» ассоциациясининг пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Асосан йўлларни асфальтлаш, таъмирлаш, хибобларга йўлаклар ётқи-зиш, қурилиш-монтаж ҳамда капитал

таъмирлаш ишларига ихтисослаштирилган корхона томонидан 2012 йилнинг биринчи ярми давомида 500 тонна, жами 618,5 млн. сўмлик асфальт-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунда, шубҳасиз, О'zLiDeP аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бошланғич партия ташкилоти барча имкониятлардан фойдаланиб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, маслаҳатдошларнинг ғоявий-сиёсий фаоллигини янада оширишга ҳаракат қилаётди.

Катта мақсадлар учун катта масъулият керак

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА 18 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИГА НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР

Зиёдулла МЎМИНОВ, «XXI ASR»

О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Адолат Қамбарованинг таъкидлашича, бу партиявий ишлар самараси кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ эканлини аниқлади.

Шу боис бошланғич ташкилотлар ишига асосан 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар жалб этилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшларни ишга жойлаштириш, тadbиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган йигит-қизлар учун бизнес-инкубаторлар ташкил этиш, кўшимча иш ўринлари яратишда ҳам ёшлар бош-қош бўлишга ташкил этиш таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, 22 нафар партия аъзосини бирлаштирган марказий шифохона, 18 нафар маслаҳатдошлар фаолият олиб бораётган марказий поликлиника, 7 нафар партия аъзоси бўлган «Агробанк» ОАТБнинг Янгибозор филиали қошидаги БПТ фаолиятини таҳлил этсак, ёшлар орасида О'zLiDeP ғояларини қўллаб-қувватлаётганлар кўпчилигини ташкил этаётганини кўрамиз.

Айни пайтда давлат ташкилотлари орасида партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаётганлар оз эмас, — дейди туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўли-

ми қошидаги БПТ раиси Фани Умаров. — Бошланғич ташкилотимиздаги 9 нафар аъзонинг етук сиёсий билимга эга экани, юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар руҳини теран англашлари партиявий ишларни жонлантиришда қўл келмоқда.

Шифокорлар инсон учун энг қадри бойлик — саломатлигини муҳофаза этишлари боис халқ орасида катта обрў-эътиборга эга, — дейди «Кавардон» кишлоқ врачлик пунктидаги БПТ аъзоси Санамхон ўроқова. — Шундан бўлса керак, О'zLiDePнинг мақсад ва ғояларини чекка кишлоқларда ҳам тарғиб этиш, одамлар онига етказишда деярли қийинчилик сезмаяпмиз. Шунинг учун ҳам аъзоларимиз сафини мунтазам кенгайтиришга эришяпмиз. Айни пайтда бошланғич ташкилотимизда 25 нафар партия аъзоси бор.

Юқори Чирчиқда маслаҳатдошларни янги марралар сари руҳлантириш, уларга йўл-йўриқ ва тавсиялар беришда депутатлик гуруҳи билан бирга Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоси Сайёра Баратова, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Дамира Ешимбетова ўрн қўллаётганини алоҳида қайд этиш керак. Зеро, куйи бўғинларнинг таклиф ва ташаббусларини юқори партия ташкилотлари, ҳатто Олий Мажлислаги партия фракциясига етказишда уларнинг имкониятлари катта экани партия аъзоларидаги ишонч ва шижоатни янада мустаҳкамламоқда.

Агар сиз депутат бўлсангиз...

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА О'ZLIDERНИНГ «ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ «АГАР МЕН ДЕПУТАТ БЎЛСАМ...» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАНЛАР БЎЙИЧА ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН 14 НАФАР НОМЗОДНИНГ ИЖОДИЙ ИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Асхор ИСТАМОВ, Шухрат РАҲИМОВ, «XXI ASR»

— Танловда иштирок этган аксарият номзодлар ишида амалдаги қонунлар ижросини қийинлаштирилган меъёрий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш борасидаги масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессияларида олиб чиқиш амалиётини шакллантириш бўйича янги таклифлар илгари сурилган бўлса, бошқа бир номзод давлат тузилмаларига юқори малакали ва замонавий билимларга эга мутахассисларнинг кириб келишига қўлай шароит яратишга кўмаклашишнинг ахамияти ҳақидаги мулохазаларини баён этган, — дейди партия вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилрабо Раҳмонова.

Сўхбатдошимизнинг фикрларида жон бор, албатта. Чунки танловдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам сиёсий жиҳатдан етук ёшларни излаб топиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимиз тараққиёти билан

боғлиқ интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни партиянинг истиқболли ёш кадрлари захирасига киритишдан иборатдир. Кўрик-танлов ҳакамлари худосасига қўра, биринчи ўринни О'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши фаолларидан бири Достон Кўчкинов эгаллади. Иккинчи ўрин «Камолот» ЕИХ Ангор туман бўлими аъзоси мутахассиси Манзура Аймуратовага, учинчи ўрин эса Бойсун туманидаги уяли алоқа мижозларига хизмат кўрсатувчи хусусий корхона раҳбари Акмал Каримовга насиб этди.

— Мазкур лойиҳада қатнашиш учун астойдил тайёргарлик кўрган бўлсам-да, анча ҳаяжонландим, — дейди Достон Кўчкинов. — Лекин ўз дастуримнинг мазмун-моҳиятини етарли даражада баён қилиб бера олганим учун фахрли биринчи ўринга муносиб топилдим, деб ўйлайман. Энг муҳими, бу ютуқ мени яна янги изланишларга даъват этмоқда.

— Бундай кўрик-танловлар ўтказилаётганидан ёшларимиз жуда мамнун, — дейди Акмал Каримов. — Албатта, янги имкониятлар соғлом фикрли, маънавий етук ёшларда юрти-

миз қудрати ва обрўини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш истагини кучайтиради. Зеро, бундай лойиҳаларда қатнашишдан манфаатдор бўлибгина қолмай, Ватанимиз равнақи учун жонкуяр, иқтидорли ва жисмонан соғлом ёшларни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқчимиз.


Зеро, танловнинг асосий мақсади ҳам шунда эмасми аслида? ***

Бухорода эса мазкур лойиҳа доирасида ўтказилаётган «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг шаҳар босқичига яқун ясалди. Унда ўз ижодий ишлари билан жамиятимиз ҳаётида депутат мавқеини ифодалаб берган танлов иштирокчилари ўз дастурларида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш маҳанзимини кўрсатиб бердилар. Ўз навбатида, иштирокчилар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги депутатлар фаолиятини билан яқиндан танишганлари, қонунчилик фаолиятини яхши хабардорликлари, О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида белги-

лаб берилган ёшларга оид вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳамда уларнинг амалдаги ижроси хусусида етарли маълумотга эга эканликларини аниқ мисоллар асосида изоҳладилар. Кўрик-танлов давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича олган билимларини яна бир марта синовдан ўтказган ёшлар депутат этиб сайлансалар, ҳудудларни ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида қандай амалий ишларга қўл уришларини баён этидилар.

Тadbир якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институтининг «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти раиси — Нодир Солиҳов, Бухоро Давлат тиббиёт институти талабалари Моҳитул Акрамова ва Жасур Жонибеков, Бухоро Давлат университети ҳузурдаги 4-академик лицей ўқувчиси Жасур Мустафоевнинг жавоблари юқори баҳолангани маълум қилинди.

Энди ғолиблар нуфузли танловнинг вилоят босқичида қатнашадиган бўдилар.



Кўзиқоринлар орасида захарлилари борлигини деярли ҳамма билади. Аммо ўсимликлар дунёсида чумолилар ичига «кириб олиб», кўпаядиган кўзиқоринлар ҳам мавжудлигини кўпчилик эшитмаган бўлса керак.

8 саҳифада ўқия



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2013 йил учун «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна давом этмоқда.

ЖАРАЁН

Реклама ўрнида

Хизмат сифати ошмоқда

«ЮНИТЕЛ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАНУБИЙ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ДИРЕКТОРИ УЛУҒБЕК АҲМЕДОВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Мамлакатимизда алоқа ва телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бериб, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати йил сайин ошиб бормоқда. Соҳада қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани эса ҳорижий сармоядорларнинг кўпайишига омил бўлаётди. Бугун мамлакатимиз алоқа бозорига муваффақиятли фаолият олиб бораётган «Билайн» бренди остидаги «Юнител» масъулияти чекланган жамияти ана шундай компаниялардан бири. У Ўзбекистондаги ягона бирлашган оператор бўлиб, 2008 йилда «Unitel» ҳамда «Vuztop» компанияларини «Билайн» бренди остида бирлаштирди.

Бугунги кунда «Билайн»нинг Ўзбекистондаги абонентлик базаси 7 миллиондан ошиб кетган бўлса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1 миллион 200 минг киши компания хизматидан фойдаланади. Албатта, мижозларнинг ортиши уларга хизмат кўрсатишнинг ривожланган савдо-сервис тармоғини яратишни тақозо этади. Ана шундан келиб чиқиб, бугунги кунда компаниянинг 5 мингта дилерлик марказлари фаолият юрита бошлади.

— Компания томонидан ўтган йиллар мобайнида мижозларга намунали хизмат кўрсатиш борасида қандай янгилıklar амалга оширилди?

— «Билайн» доимо соҳанинг инновацион етакчиси бўлишга интилади. Шу боисдан кейинги йилларда муҳим технологик янгиланишлар амалиётга жорий этилиб, хизмат сифатини муттасил оширишга эътибор қаратилди. Компания 2008 йилдаёқ Ўзбекистонда биринчи бўлиб 3G тармоғини ишга туширди. Уша пайтда бу МДХда шу йўналишдаги тармоқнинг иккинчиси эди. 2009 йил Зарафшонда ишга туширилган оптик толали тармоқ эса ҳозирга қадар мамлакатдаги энг йирик умумшаҳар локал тармоғи бўлиб қолмоқда. Учқудуқдаги FTTB тармоғи (уйгача интернет олиб кириш) ҳам истиқболли лойиҳаларимиздан. Шу кунларда эса LTE технологиясини жорий қилиш устида ишланяётган олиб борилаётган. 4G асосий станцияларининг дастлабкилари бундан уч ой муқаддам Тошкент шаҳрида ишга туширилди. Яқин кунларда улар вилоятлар марказларида ҳам фаолият кўрсата бошлайди.


— Бугунги кунда компания мижозлари сони кескин ортди. Уларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида қандай иш-

лар қилинапти?

— Дарҳақиқат, кейинги уч ойда абонентларимиз сони ниҳоятда кўпайди. Усуналарга бўлган юктамалар ўси, мутахассисларимиз ўз вазифасини бажариш учун жиддий куч сарфлашлари тўғри келди. Узайтирилган иш режими орқали ҳамма ишларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилдик. Бунда компаниямиз томонидан киритилган 300 миллион доллар миқдоридagi инвестициялар мадад бўлди. Ўз вақтида ишга туширилган янги қувватлар хизмат сифатини янада яхшилаш имконини берди. Шунингдек, IT тизимининг янги сегментлари ишга туширилди. Натижада компаниянинг халқаро интернет канали рекорд даражага, яъни 1 Гбит/с.га етди.

Айни кунга келиб мобиль алоқадан ташқари симли кенг полосали уланиш хизматларини ҳам кўрсатаймиз. Мижозларга 100 Мбит/с.га бўлган тезликдаги интернет тақдим этилаёпти. Эришилаётган ютуқларга ҳар иккала вилоят бўлимларида самарали фаолият олиб бораётган билимдон ходимларимиздан Хуршид Ибрагимов, Обид Эргашев, Бекзод Йўлдошев, Файзулла Сатторов муносиб ҳисса қўшиб келишаёпти.

Компаниямиз томонидан кам таъминланган



Билайн™
hayotning yorqin tarafida bo'l



ойлалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги қатор Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб-ҳунар ўрганиши учун ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилаёпти. Яқинда «UCG Veeline-2012» компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда Қарши ва Термиздан 100 дан ортиқ геймер иштирок этди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида компаниямиз томонидан хайрия мақсадлари учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биз бундан буён ҳам мижозларимизга тезкор ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида бор куч-ғайратимизни ишга соламыз.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокчини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш таллов асосида амалга ошириладиган ҳамда республика тиҷорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Таллов қуйилган йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган сановат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиланиш.

Талловга инвестицион жозибдорликка ва сановат соҳасида табиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий ҳомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Талловда ўз лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Талловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича);
- Батафсил маълумот учун: Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08; Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Муължал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш юзасидан таллов бўйича талловда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган гоёвий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

- Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
 - Инвестиция таклифи;
 - Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширишни режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 - 4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тасвия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 - 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўлаётган ходимлар сони.
 - 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 - 4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
 - кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|-------|---|-------------------------|---------------------|------|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қоплавиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ | | | |

Қутлов

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ «РОУТЕКС» МЧЖ ЖАМОАСИ

*азиз ватандошларимизни
инсонпарварлик
ва адолат тимсоли бўлган,
мазмун-моҳиятига кўра
юртимиз тинчлиги,
эл фаровонлигини
таъминлашга қаратилган
Конституциямизнинг
20 йиллиги билан
самимий муборакбод этади.*




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASINING 20 YILLIGI



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Ўзбекистон халқини
улуғ байрам —
Конституциянинг
20 йиллиги билан
чин дилдан қутлайди.
Меҳнатсевар, қўли гул
халқимизнинг
яратувчанлик ва
бунёдкорлик жабҳасида
эришаётган ютуқлари
тобора кўпайиб,
юртимиз кундан-кун
чирой очаверсин!



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

